

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 847-ҳадис

847 - وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَلَّمَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَفُومُ مِنْ مَجْلِسٍ حَتَّى يَدْعُو بِمُؤَلَّاهِ الدَّعَوَاتِ: «اللَّهُمَّ؛ اقسِمْ لَنَا مِنْ حَشِيَّتِكَ مَا يَحُولُ بَيْنَنَا وَبَيْنَ مَعْصِيَتِكَ، وَمِنْ طَاعَتِكَ مَا ثَبَلُّعُنَا بِهِ جَنَّتِكَ، وَمِنْ الْيَقِينِ مَا يُهَوِّنُ عَلَيْنَا مَصَائِبَ الدُّنْيَا، اللَّهُمَّ مَتِّعْنَا بِأَسْمَاعِنَا وَأَبْصَارِنَا وَقَوَاتِنَا مَا أَحْيَيْتَنَا، واجعله الوارث منّا، واجعلنّ نازرنا على من ظلمنا، وأنصُرنا على من عادانا، وَلَا تَجْعَلْ مُصِيبَتَنَا فِي دِينِنَا، وَلَا تَجْعَلِ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمِّنَا، وَلَا مَبْلَغَ عِلْمِنَا، وَلَا تُسَلِّطْ عَلَيْنَا مَنْ لَا يَرْحَمُنَا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ حَدِيثٌ حَسَنٌ [3502].

847. Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қуйидагича дуо қилиб, мажлисдан туриб кетардилар:

«Аллоҳуммақсим ланаа мин хошятика маа яҳуулу байнанаа ва байна маъсиятика ва мин тоатика маа тубаллиғунаа биҳи жаннатака ва минал яқийни маа юҳаввину ʼалайнаа масоибад дуня. Аллоҳумма маттиғна биасмағина ва абсооринаа ва қувватинаа маа аҳяйтанаа, важъалхул воориса миннаа важъал са`рона ʼалаа ман золаманаа вансурнаа ʼалаа ман ʼааданаа, валаа тажъал мусийбатанаа фий дийнинаа, валаа тажъалид дуня акбаро ҳамминаа валаа маблағо ʼилминаа валаа тусаллит ʼалайнаа ман лаа ярҳамунаа».

(Маъноси: «Аллоҳим, Сенга қилинадиган гуноҳ билан бизнинг орамизни тўсадиган қўрқувни ва жаннатингга етказадиган тоатингни ҳамда дунё мусибатларини бизга енгиллаштирадиган яқийни (тўла ишончни) улуш қилиб бер. Аллоҳим, бизни тириклигимизда қулоғимиз, кўзимиз ва қувватимиз билан нафлангириб, уни бизга меросхўр қил (Яъни, вафот этгунимизча омонда қил). Ўчимизни бизга зулм қилганларга қарат! Душманларимиз зиёнига бизга нусрат бер. Мусибатимизни динимизда қилма. Дунёни энг катта ғамимиз ва охири илмимиз қилма. Ва бизга раҳм

қилмайдиганларни бизга бошлиқ этма».)

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Аллоҳдан ҳақиқий кўрқадиган киши Аллоҳнинг улуғлигини билиши орқали бўлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло: «Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина кўрқарлар» (Фотир сураси, 28-оят).

Кишининг Аллоҳни таниши кўпайгани сари, У Зотдан кўрқиши ҳам зиёдалашиб бораверади. Пайғамбар алайҳиссалом: «Мен сизларнинг орангизда Аллоҳни кўп билувчи ва қаттиқ кўрқувчингизман», деб айтганлар.

- Банда билан гуноҳ ва маъсиятни орасини тўсувчи Аллоҳдир. Яъни, у билан гуноҳ орасини Аллоҳдан кўрқиш тўсади.

- Тоат-ибодатга тавфиқ берилиши ҳам Аллоҳ томонидандир. Шунинг учун банда учун доим Аллоҳдан ёрдам сўраб туриши лозим.

- Жаннатга тоат-ибодатчалик бошқа бирор нарса етказиб олиб бормади.

- Банда дунё мусибати қаршисига содиқ иймондан отилиб чиққан яқиний ишонч билангина пешвоз чиқа олади.

- Неъматнинг боқий қолиши ва бардавом бўлишини ҳамда ундан ҳузурланишни гуноҳ ва маъсиятсиз талаб қилинади.

- Кофирларга қарши дуони умумлаштириб, Аллоҳдан уларга қарши ғалаба қозонишини талаб қилиш жоизлиги.

- Банда дучор бўладиган энг буюк мусибат у диндаги мусибатдир.

- Ким дунёга машғул бўлса, қалбидан унинг муҳаббати жойлашиб қолади. Бор ғами дунё бўлиб, охиратни унутади, бор кучи билан дунёга машғул бўлиб қолади.

- Агар банда Аллоҳдан юз ўгирса, Аллоҳ унга душманни ҳукмрон қилиш орқали балога гирифтор қилади. Иймон аҳли душманларини солиҳ амал ва дуо билан баргараф қилишади.

Манба: hadis.islom.uz



